

ИШОНСИН

Ушбу сонда:

- ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК ТАМОЙИЛИ АСОСИДА
- КАСАБА УЮШМА ВАКИЛЛАРИ - ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!
- ЮРАКДАГИ ҚУШИҚ

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадри дўстлар!
Авалламбор, ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни 6 миллион 100 минг тоннадан зиёд юксак галла хирмони бунёд этганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бизнинг неча ўн йиллар давомда орзу ва ҳавас қилиб келган галла мустақиллигига эришганимизни кейинги етти-саккиз йил мобайнида амалда тасдиқлаб келётганимизни, бундай улкан ютуқнинг аҳамияти ва моҳиятини галла деган, нон деган бебаҳо неъматдан баҳраманд бўладиган ҳар қайси инсон, шу юрда яшайдиган ҳар қайси оила сўзсиз чуқур аялайди ва юксак баҳолайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилгига нисбатан ғаллачиликда ҳосилдорлик 4,5 баробар, яъни ҳосил миқдори эса 6,5 баробар ошгани бу борада қандай тараққиёт йўлини босиб ўтганимизни, заҳматкаш ўзбек деҳқонининг қандай буюк ишларга қодир эканини яққол кўрсатиб турибди.

Бир пайтлар тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бундай катта марралар аввалламбор Яратганимизнинг ўзи «Сендан - ҳаракат, мендан - баракат» дея мададдор бўлгани, халқимизни бало-қазолардан асраб, йўлимизни очиб бергани эвазига қўлга киритилганини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Бундай улкан ютуқ замирида кечани - кеча, кундузни - кундуз демасдан, ўтган йилнинг куз фасли ва жорий йил баҳоридидаги сув таъқислиги, жазирама иссиқ, жала ва ёмғирлар билан боғлиқ қийинчиликларга қарамастан, мўл ҳосил етиштирган мард, лафзи ҳалол деҳқонларимиз ва фермерларимизнинг азму шижоати ва фидокорона меҳнати муборакдир.

Шу борада таъкидлаш жоизки, бугунги кунда одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, деҳқон ўзини ернинг, мулкнинг ҳақиқий эгаси, қишлоқдаги ҳал қилувчи куч сифатида ҳис эътиборини, унинг меҳнатга, ҳаётга бўлган фалон муносибати, манфаатдорлик ва масъулият туйғуси кучайиб бораётгани иқтисодиётимизда, ҳаётимизнинг барча жаҳаларида ана шундай юксак марраларга эришишда асосий мезон ва омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Қишлоқ аҳлининг дунёқарашидида бундай туб ўзгаришлар ўз навбатида аграр соҳада кенг қўламини ислохотларни, замонавий бошқарувнинг самарали усул-усулбарини, илгор технологияларини жорий этишда, ер билан тиллашиб яшайди-

ган инсонларда изланувчанлик, ташаббускорлик ва тadbиркорлик фазилатларини уйғотишда намоён бўлмоқда.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги соҳасида ишни мутлақо янги асосда - бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил этиш, хусусий мулкни изчил ривожлантириш, шу мақсадда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, давлат томонидан уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фермер хўжалиқларига зарур моддий-техник ресурсларни ўз вақтида тула етказиб бериш, улар етиштирган маҳсулотни реализация қилишда тегишли кўмак ва имтиёзлар яратиб бериш борасидаги амалий ҳаракатлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йилги етиштирилган ҳосилнинг 81 фоизи фермер хўжалиқлари томонидан тайёрлангани ҳам фермерлик ҳаракатининг қишлоқда тўла маънодаги етакчи ва қудратли кучга айланиб бораётганидан далолат беради.

Азиз дўстларим, биродарларим!
Бугун далаларимизда сизларнинг пешона терингиз билан етиштирилган мўл ҳосилни халқимизнинг энг катта ютуғи, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Бу юксак ва баракали хирмон нафақат давлат эҳтиёжларини бажариш, шаҳар аҳолисини, ишчи-хизматчиларимиз, ҳарбийларимизни дон маҳсулотлари билан таъминлашга, айни пайтда қишлоқ аҳлининг ертўлалари, оморларини галла билан тўлдиршига, энг муҳими, халқимизнинг ризқини бутун, дастурхонини тўкин қилишга, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлиб яшашга хизмат қилишини, ўйламанки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Эл-юртимиз хирмони донга, қўнғилларимиз қувончга тўлиб турган мана шундай хурсандчилик кунларда барчамиз қўли қадоқ, қўлини кўрган, бошидан не-не синовларни ўтказган заҳматкаш деҳқонларимизнинг меҳнат жасорати олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Бундай улкан меҳнат галабасига ўзининг фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшган барча-барча касб эгаларига чин қалбимдан самимий миннатдорлик билдираман.

Хорманг, меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим, топганингиз яхши кунларга буюрсин! Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барақа, бахту саодат ариямасин!


Ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ғаллазорларимиз қахрамонлари ГЕКТАРИДАН 87 ЦЕНТНЕР

Ер билан тиллашиб илмилан эгаллаган деҳқонлар республикамизда анчагина. Сурхондарё вилоят Ангор туманидаги «Сайдносирхон» фермер хўжалигининг раҳбари Исaxon Баҳромов ҳам шундайлардан. Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати бошланганда у узоқ ўйлаб ўтирмади. Ер олиб, шу йиллик ҳар гектар майдондан 45 центнердан пахта, 87 центнердан галла ҳосили етиштирди. Айни пай-



тда Исaxon ақанинг майдони 196 гектарга етди.

Жорий йили у 72,5 гектар майдонга галла, 123,5 гектар ерга пахта эканди. Одатда гектед бу йил ҳам гектаридан 87 центнердан мўл галла ҳосили етиштириб, республикамизнинг улкан хирмониغا ўзининг муносиб улушини қўшди. Айни кунда гўзаларининг ҳам авжи баланд. Мўлкали 45 центнерлик маррани эгаллаш.

Илгор фермернинг меҳнатлари муносиб тақдирланиб келмоқда. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор» унвони берилган. 2004 йили Президентимизнинг шахсий совғаси — «Дамас» автомашинаси топширилди. 2005 йилда «Меҳнат шухрати» орденига сазовор бўлди.

Р.ДАВЛАТОВ,
«Ишонч» мухбири
Суратда: фермер Исaxon Баҳромов Президентимиз совға қилган «Дамас» автомашинаси ёнида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2006 йил 19 июлда республика ҳукуматининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳар томонлама муҳокама қилинди ва 2006 йил учун белгиланган прогноз параметрларига эришишга йўналтирилган кўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

2006 йил 10 февралдаги ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгиланган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш вазифалари ва энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишнинг боришини танқидий таҳлил қилиш мажлиси қатнашчилари

нинг хусусий секторини мустақамлаш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омил сифатида фуқароларни иш билан таъминлашни кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишга кўмаклашди.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар борасида эришилган ютуқлар бунинг исботидир. Яъни ички маҳсулотнинг ўсиши 2005 йилнинг I ярим йиллигидагига нисбатан 6,6 фоизни ташкил қилди. Иқти-

фицит билан ихро этилди. Инфляция даражаси 3,5 фоизни ташкил этди.

Текширишларни кескин қисқартириш, санкцияларни суд томонидан белгилаш механизмини жорий этиш, статистик ва молиявий ҳисоботларни қисқартириш бўйича ўтган йил охирида ва жорий йил бошида қабул қилинган норматив ҳужжатлар кичик бизнес ва тadbиркорликни янада кенг ривожлантиришни таъминлади. Банклар томонидан ажратилган кредитлар ҳажми 240 млрд. сўмни ташкил қилди. Иқтисос-лар кўрсаткичлари «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ташкил этилди ва фаолият кўрсата бошлади. Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес корхоналари сони қарийб 25 фоизга, улар маҳсулотларининг яъни ички маҳсулотдаги салмоғи эса ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан 3,2 фоизга кўпайди.

(Давоми 2-бетда)

Инсонга наф
келтириши —
олий бахт
танловига

САЛОҲИЯТ

фаолиятда эришилган
амалий натижалардир

Ўзгаларнинг дарду ташвиши билан яшаш осон эмас. Ҳар бир масалага ечим топиш қанчадан-қанча эҳтиёт қилиниши, ҳар бир ҳаракатга эҳтиёт қилиниши, ҳар бир ҳаракатга эҳтиёт қилиниши, ҳар бир ҳаракатга эҳтиёт қилиниши...



«ЎЗДЭУАВТО» ҚЎШМА КОРХОНАСИ — ЎН ЁШДА

Касаба уюшмалари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — меҳнат-қашлар ва уларнинг оила аъзолари меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Ушбу вазифани юқори савияда адо этиш учун корхона касаба уюшма кўмитаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Ҳаракат Дастурига таяниб иш олиб бормоқда. Ҳаракат Дастури ва Федерация Кенгаши тавсиялари асосида қабул қилинаётган жамoa шартномаси вазифаларимизни талаб даражасида бажаришда илҳом бермоқда. Ундаги шартларга асосан корхонада ҳодимлар учун бир қатор шароит ва имтиёзлар яратилди.

Қўшма корхонамида ишчи-хизматчиларининг иш ҳақлари босқичма-босқич ошириб борилишига эришилмоқда. Корхонада меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси, шикастланишнинг олдини олиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Ушбу мақсадларга корхона ҳисобидан 2006 йилда 150 миллион сўм сарфланиши режалаштирилган. Ушбу мақсадларга ҳозирги кунгача жами 70 млн. сўм сарфланди. Қўшма корхонамида экологик аҳолининг салбий асосларини бартараф қилиш бўйича ҳам ишлар олиб бориляпти. Корхонамида нокўлаш иш шариоитларида ишловчиларни тоифаларига қараб саломатлигини яхшилаш мақсадида цехларда алоҳида текширишлар олиб борилди. Булардан 1136 нафарига қўшимча 3 кунлик таътил, 1977 нафарига 6 кунлик қўшимча таътил жорий қилинишига эришилди.

2005 йилнинг якуни бўйича корхонамизнинг Пресс центри «Ўзметашарнаёт» касаба уюшмаси ва «Ўзавтосаноат» ассоциацияси томонидан энг хавфсиз ва бахтсиз ҳодисасиз фаолият учун I даражали дипломи билан тақдирланди.

Касаба уюшма кўмитамиз маъмурият билан биргаликда ишчи-хизматчиларнинг умумий меҳнат қилишига, уларнинг кўнгли дам олиб даволанишига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

1996-2006 йиллар мобайнида 4100 га яқин ишчи-хизматчилар сихаттоҳлар ва дам олиш уйларида даволаниб қайтиди. Бу мақсадларга 53 млн. сўм сарфланди. Корхонамиз ишчи-хизматчиларига санаторий ва дам олиш уйлари билан таъминланган йўналишларнинг қисман тўлови Жамoa шартномаларига асосан 40 фоиз ўрнига 20 фоизга туширилди. Йўлланмаларнинг 20 фоизи корхона маблағи ҳисобидан қoplanди.

Корхонада ишлаб пенсияга чиқиб кетганлар, аввал корхонамизда ишлаб вафот этганлар оилаларидан хабар олиш, уларга ёрдам бериб бориш ҳам корхона касаба уюшмаси зиммасида.

Бундан ташқари, Андижон клиник шифонаси билан шартнома тузилган бўлиб, ҳар йили ўтказилган табиий кўрик натижаларига асосан шу кунгача 432 нафар ишчи-хизматчиларимиз даволантирилди. Бунинг учун корхона ҳисобидан 25 млн. сўм маблағ ажратилди.

Бугунги кунда ёш авлод тарбиясига, уларнинг саломатлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йиллар давомида 4051 нафар болалар дам олиш оромгоҳларига юборилди. Шу давр мобайнида азиз фарзандларимизнинг дам олиши ва соғломлаштирилишига корхона ва касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 116,8 млн. сўм маблағ сарфланди.

Болалар оромгоҳлари йўлланмаси ишчи-хизматчиларга бепул берилди. Бу ҳам тасдиқланган Жамoa шартномасида ўз аксини топган.

Меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларига маданий дам олишлари учун қулай шароитлар яратиш, соғломлаштириш, аҳолига маънавий ва маърифий хизмат кўрсатиш мақсадида маданият саройлари, спорт иншоотлари ва мажмуаларидан фойдаланиш йўлида катта имкониятлар яратиб қўйилган.

Корхонамида мунтазам равишда спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси ва шахмат-шахка турлари бўйича мусобақалар ва турнирлар ўтказиб келинмоқда. Корхонамиз ташаббус билан «Ўздэуавто» қўшма корхонасининг ишта туширилганига 10 йил тўлиши муносибати билан вилоятимиздаги «Ўзавтосаноат» уюшмасига қарашли қўшма корхоналар ўртасида спорт мусобақаси ўтказилди. Ушбу бхсларда корхонамизнинг ишчи-хизматчилари фалол қатнашиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Футбол, волейбол, шахмат мусобақалари бўйича 1-ўринни, стол тенниси бўйича мусобақаларда 4-ўринни ва англит атлетика бўйича мусобақада 2-ўринни эгаллашга эришилди.

Ўтган йиллар давомида спортни ривожлантириш учун корхона ҳисобидан 37,4 млн. сўм ва касаба уюшма бюджети ҳисобидан 14 млн. сўм маблағ сарфланишига эришилди. Утказилган мусобақаларда фахрли ўринларни эгаллаган команда аъзоларини касаба уюшма бюджети маблағи ҳисобидан ўз вақтида рағбатлантириб боришмоқда.

Ҳозирги кунда корхонамиз ишчи-хизматчиларининг асосий ишлардан иборатлигини инобатга олган ҳолда, касаба уюшма кўмитаси томонидан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, уларга халқ истеъмоли молларини кредит йўли билан олиш Асака шифрдаги Акционерлик-тижорат «Асакабан» билан ҳамкорликда йўлга қўйилди. Натияжада ҳозирги кунгача корхонамиз ишчи-хизматчиларидан 3019 нафари ушбу имтиёзли кредитдан фойдаланиб, керакли анжомларни сотиб олишга эришилди ва ушбу имтиёзли кредитдан фойдаланиш ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ҳар бир қилинаётган ишлар, тadbирлар ишчи-хизматчилари ва улар оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасига хизмат қилмоқда.

Мирфозил ОЛИМОВ,
«Ўздэуавто» қўшма корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Боши 1-бетда)

Ўтган давр мобайнида 240 та корхона ва йирик объектлар хусусий мулк этиб сотилди, улардан 107 таси инвестиция мажбуриятлари остида бепул берилди. Моддий ресурсларнинг сотишининг бозор механизми янада фаол жорий этилмоқда. Юқори ликвидий маҳсулотларни Республика товар-хонаси биржаси орқали сотиш ҳажми 61,7 фоизга кўпайди ва 483 млрд. сўмни ташкил қилди. Биржа экспорти айланмаси анча кўпайди.

Иқтисодиётнинг базавий тармоқларини жадал модернизациялаш ва техника билан қайта жиҳозлаш стратегияси, амалга ошириллаётган инвестиция сифати доирасида Ўзбекистон Республикаси Тиклаш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилди. Марказлаштирилмаган инвестициялар салмоғи кўпайди. Нефть-газ тармоғида Россия компаниялари билан бирга лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Тўқимачилик соҳасида бир қатор лойиҳалар тугалланмоқда. «Тошгузар-Бойсу-Кумўртон» темир йўли, «Ўзбекистон» электр қуввати узатиш линияси ва бир қатор муҳим объектлар қурилиши юқори суръатлар билан амалга оширилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш 1,4 баравар кўпайди ва 675,3 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ўтган ярим йилликда аҳолининг турли қатламлари ижтимоий муҳофазани олиб қилиш, уларнинг иш билан бандлигини ошириш ва даромадларини кўпайтириш бўйича бир қатор комплекс чора-тадбирлар қўрилди. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг тақомиллаштирилган тизимини жорий қилиш давомида ўқитувчилар ва соғлиқни сақлаш тизими ходимлари иш ҳақи кўпайтирилди. Мақтабларнинг директор жамғармасидан 202 миң ўқитувчиға еки улар умумий сонининг 44 фоизига қўшимча тўлов белгиланди, улар ҳажми 28,3 млрд. сўмни ташкил қилди. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» тадбирлари доира-сида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлариға ижтимоий ёрдам кўрсатиш анча кенгайди ва у 106 млрд. сўмни ташкил қилди.

Шу билан бир қаторда, Вазирлар Маъкамаси мажлиси қатнашчиларининг асосий эътибори амалда ҳал этишни талаб қиладиган мавжуд камчиликлар ва муаммоларға қаратилди.

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан республика иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш

нинг яқин бир неча йилга мўлжалланган мақсадли комплекс дастурларини тасдиқлаш бўйича бир қатор муҳим фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Кўрсатиб ўтилган дастурларни асосий болғовчи омил - бу уларнинг ижтимоий йўналтирилганлиғидир.

Иқтисодиёт вазири Б.Хўжаев, Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазири С.Исмоилов, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазани қилиш вазири О.Обидов, Сурхондарё, Фарғона, Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари, шунингдек, республиканинг бир қатор шаҳар ва туманлари ҳокимлари ҳисоботларида шахсий ердамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида қорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантириш, хизматлар ва сервис соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларда ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда қасаначиликни ривожлантириш асосида аҳоли даромадларини кўпайтириш, мева-сабзавотчилик ва узумчиликда ислохотларни чуқурлаштириш дастурларининг биринчи босқичлари амалга оширилиши танқидий таҳлил қилинди.

Мажлисда қайд этилганидек, қимомиди савдоларида аҳолиға 12,0 миң бошдан ортиқ қорамол сотилди. Фақат Иш билан таъминлашға кўмаклашиш жамғармаси томонидан ушбу мақсадлар учун 6,15 млрд. сўм кредитлар ажратилди ва ўзлаштирилди. Омухта озуқалар билан қаролатли таъминлаш масалалари ишлаб чиқилди ва ҳал этилмоқда. Республиканинг кам таъминланган оилалариға ситирларни бепул ажратиш ишлари кенгаймоқда.

Қасаначилик соҳасида, шу жумладан йирик саннат корхоналари билан кооперациялаш йўли билан 78,3 миң иш ўринлари, шу жумладан қорхоналар билан меҳнат шартномалари бўйича 22,4 миң иш ўринлари ташкил этилди. Аҳолиға пулли хизматлар кўрсатиш ҳажми анча кўпайди ва у қарийб 890 млрд. сўмни ташкил қилди.

Иқтисодлаштирилган 210 та мева-сабзавотчилик ва узумчилик қишлоқ хўжалиғи кооперативлари (ширкат хўжалиқлари) неғизда 39,0 миң фермер хўжалиқлари ташкил этилди. Қайта ишловчи саннат қорхоналари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар муассислари бўлган 195 та агросаноат фирмалари фаолият кўрсата бошлади. Улар томонидан маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажми кўпайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонида қабул қилинган фармойишға мувофиқ чет эл тажрибасини ўрганиш асосида фермер хўжалиқларини, кичик қорхоналар ва агрофирмаларни жиҳозлаш учун ас-

боб-ускуналар, мини-технологиялар ва ичма ишлаб чиқариш воситалари харид қилиш бўйича тақлифлар тайёрланмоқда.

Шу билан бирга, вазирликлар ва идораларнинг, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг тақчил-лотчилик ишлари етарли эмаслиғи сабабли ушбу ижтимоий жиҳатдан муҳим дастурларнинг белгиланган вазифалари ва прогноз параметрлари белгиланган муддатларда ва талаб қилинган ҳажмда бажарилмапти. Шу муносабат билан Қишлоқ ва сув хўжалиғи вазири (С.Исмоилов), «Ўзэлтхана» уюшмаси (Ш.Умаров), Андижон (С.Бегалиев), Тошкент (М.Қучиев), Сурхондарё (А.Шимуродов) вилоятлари, Улуг'ур (С.Эзенов), Сирдарё (Х.Рақоқов) ва Янгиқулик (И.Мамажонов) туманлари ҳокимликлари фаолияти қаттиқ танқид қилинди.

Мажлис қатнашчилари олдиға кўрсатиб ўтилган камчиликларнинг тезкорлик билан бартараф этиш ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг мақсадли комплекс дастурларини амалга ошириш, шунингдек, республика аҳолисини иш билан таъминлаш кўламлигини кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни тизимли асосда таъминлаш вазифалари қўйилди.

Хукумат мажлисида, шунингдек, жорий йил инвестиция дастурини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди. Маълумки, ушбу дастур билан тасдиқланган инвестиция лойиҳаларининг, айниқса, иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги ҳамда ҳорижий илгор, юқори самарали технологиялар ва асбоб-ускуналарни жорий этиш, тўғридан-тўғри йирик ҳорижий инвестицияларни жалб этиш билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилиши муайян даражада ушбу соҳалар ва тармоқларнинг ўзини янада изчил ривожлантиришға, шунингдек, республиканинг иқтисодиётини салоҳиятини оширишға кўмаклашади.

Мажлисида қайд этилганидек, Инвестиция дастури доирасида ҳозирдаёқ молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига қарийб 1625,0 млрд. сўм миқдорда ўзлаштирилган капитал қўйилмалар билан бирга, бир қатор муҳим инвестиция лойиҳалари етарли суръатлар билан амалга оширилмапти. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси (Р.Рўзиқулов), «Ўзурилиш-материаллари» акциядорлик компанияси (Э.Акрамов), «Ўзоқмуҳимизмат» агентлиғи (У.Ҳолмухамедов) тизимидаги, шунингдек, Бухоро (С.Хусенов) ва Наманган (И.Нахмеддинов) вилоятларидаги лойиҳалар

шулар жумласидандир. Вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлариға йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жорий йил Инвестиция дастурида назарда тутилган устувор ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларининг сўзсиз фойдаланишға топширилишини таъминлаш юқунди. Шу билан бирга, техника-иқтисодий асослашларни пухта тайёрлаш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш, экспортға мўлжалланган маҳсулотлар чиқаришини кафолатлайдиган ноу-хау ва технологиялардан фойдаланиш зарурлиғи алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг, шунингдек, ҳокимликларнинг шахсий жавобгарлиғи белгиланган ҳолда иқтисодиёт тармоқларини ва бутун ижтимоий соҳани олдиндаги куз-қиш давриға зарур даражада тайёрлашни таъминлаш масалалари комплексли муҳокама қилинди.

Бош вазир ўринбосарлари Э.Шонсмаатов, Н.Ханов нутқларида бир қатор вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг, шунингдек, Тошкент шаҳар (А.Тўхтаев), Учтепа (Ш.Муҳамедхонов) ва Чиланзор (Х.Мамажонов) туманлари ҳокимликларининг эътибори ўтган йилги ҳатоларнинг тақорлан-лишиға йўл қўймакликка, энергетика, газ ва иситиш тизимларини, барча уй-жой фонди, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш объектларини мукамал ва жорий таъмирлашни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш зарурлиғиға қаратилди. Шу муносабат билан республикада ташкил этилган, яқинда қабул қилинган қонунға мувофиқ янгиша шартномаларда фаолият кўрсатадиган 3026 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлариға алоҳида масъулият юкланиши таъкидлаб ўтилди.

Республика ҳукумати мажлисида кун тартибидида масалаларни муҳокама қилиш аяқунлари бўйича қарор қабул қилинди, унда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов томонидан қўйилган 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришға доир устувор вазифаларни сўзсиз бажариш ва келгуси 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш учун мустаҳкам замин яратиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар комплексли белгиланди.

(Боши 1-бетда)

Бу бордаги ишлар ҳам айни шу сабабдан қасба уюшмаларининг доимий эътиборида. Бинобарин, туман Кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича доимий комиссияси фаолияти шу жиҳатдан диққатға сазовордир. Иш берувчиларнинг мақсуд масалаларға мутахассислари хар чорада жамоа келишуви ва меҳнат муҳофазасиға оид битимда белгиланган тадбирларнинг ижроси бўйича ахборот тақдим этишади. Зарурат туғилганда масала туман кенгаши раёсати муҳокамасиға қиритилади. Асосий гап муҳокама натижасида қабул қилинган қарорлар ижроси таъминланаётганида, аниқланган камчиликлар бартараф этилаётганидадир.

— Молиялаштиришдаги танқисликлар мавжуд шартномда таълим муассасаларида меҳнат муҳофазаси тадбирларини ташкил этиш осон эмас. Бунинг устиға ношлай чиқариш соҳасида бунга етарли эътибор бермайдиган раҳбарлар ҳам бор, — дейди туман кенгаши доимий комиссияси раиси Зоир Едгоров. — Аммо иш самараси қўлчан шартномани қандайлиғи билан белгиланади. Симфонияларнинг ўрғулиғи, намлиғи, ҳавонинг гулбардан тозаланиши ва алмашиниб туриши ўқувчиларнинг ўзлаштиришға, яъни таълим сифатиға ижобий таъсир қилади. Мақтаб устаконларида, ўқув лабораторияларида техника хавфсизлиғи қоидаларини риоя қилишни бяхтисиз ҳодисаларнинг, жароҳатлаш ва касалланганларнинг олдини олиш. Вақти-вақти билан ўтказилаётган текширишлар ҳали муаммолар қўлгигини кўрсатди. Шу билан бирга 21, 25, 46-мақтабларда, бир қанча мактаб-

ғача таълим муассасаларида ахвол тўқдан яхшиланди. Техник ходимларға, лаборантларға махус кийим-кечаклар берилди. Умуман, ортиқча харажат талаб қилмайдиган ишлар бажарилишиға эришилди. Бундай натижалар уч йил олдин хар бир муассасада мутасадди тайинлангани, жамоатчилик назорати ташкил этилгани туғайлидир. Йил давомида эса туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими давлат меҳнат техника нозирини, ҳуқуқ нозирини иштирокчи мунтазам ўқув-семинарлар уюштирилмоқда. Яқинда деярли барча муассаса-

Инсонға наф келтириш — олий бахт танловига

Инсоннинг катъияти туғайли етарли ҳимоя қилинди. Мана шундай амалий тадбирлар та-

шим. Туман қасба уюшма Кенгаши спорт тадбирларининг фаол иштирокчилари ва

САЛОҲИЯТ фаолиятда эришилган амалий натижалардир

салар меҳнат муҳофазасиға оид кўргазмалы воситалар билан таъминланди. Фаолиятнинг учинчи асосий йўналиши соҳасида ҳам туман тармоқ Кенгаши амалга ошираётган ишлар ибратли. Ста-тистик маълумотлардан кўринадикки, илгари бўлгунорлик таълим ходимлари деярли барча масалалар ечимини бўйича юқори тақчилотларға мувожа-лат қилишган. Кейинги йилларда эса бундай ҳолатлар қасба уюшма ташкилоти иштирокида жойида ҳал этилмоқда. Масалан, 28-мақтабта таълим муассасаси ходими Ойдин Ҳудойқулова, 23-мақтаб ўқитув-чиси Юлдуз Алимова, 54-мақтаб ўқитувчилари Т.Хўжанова, Г.Юсупова каби унлаб ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари туман Кенгаши-

лотининг нуфузини оширди. Одамлар қасба уюшма фаол-лари билан фикрлашадиган, дардлашадиган, раҳбарлар ҳисоблашадиган бўлишди. — Кўп йиллардан бери халқ таълими бўлимида ишлайма-н. Илгарили қасба уюшма ту-ман кенгаши тарихини аёзла-ри ҳозирчилик жимсоний тар-бия ва спорт ишларини ривож-лантиришға фаол қўмаклашма-ган, — дейди туман ХТБ ус-лубчиси И.Хизбуллин. — Қасба уюшма фаолларининг та-шаббускорлиғи билан хар ойда соҳа ходимлари ўртасида тур-ли мусобақалар ўтказилади. Натижада ходимларнинг жи-смоний бардамлиғи, руҳий те-тиклиғи сезилмоқда. Бундай тадбирлар соғломлаштириш, касалланганларнинг олдини олиш нуктаи назаридан ҳам му-

ташкilotчиларини моддий рағбатлантириши, маънавий қўллаб-қувватлаши одамлар-нинг иштиёқини қучайтир-моқда. Ҳамкорлигимиз самара берапти. Мақсадға эришишнинг энг асосий шартини одамлар жи-смоний қозониши, уларни ўз ат-рофиға жиҳслаштириш олиш-дир. Жамоат ташкilotининг салоҳияти мана шу билан ўлланади. Бошқача айтганда, Ўзбекистон қасба уюшмалари Федерациясини Кенгаши-нинг Ҳаракат дастури қоғла-рини амалда рўйбга чиқаётган-лини таълим ва фан ходим-лари қасба уюшмаси Булғур туман Кенгаши иш таж-рибаси мисолида яққол кўриш мумкин. **Рустам ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири**

Бухоро вагон депоси жамоаси янги технологиялар асосида иш бошлади. Бу вагон, детал ва қажаваларни таъмирлашда ўз самарасини берапти. Дилода 604 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг унумли меҳнати учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Суратда: фрезерчи Тоҳир Рўзиев.



Иззатилла ХОЖИЕВ олган сурат

Ер усти ва ер ости бойлиқларини бисёр қашқадарё оловкорлари мамлакатини нефть-газ мустақиллигини таъминлашға муносиб ҳисса қўймоқдалар. Тармоқ ходимларининг яшаши, ишлаши, дам олиши, соғлигини тиклаши ва бошқа имтиёزلардан фойдаланиши тўғрисида ҳамхўрлик қасба уюшмаларининг доимий эътиборида турибди.

Белгиланган ҳаракат дастурида қорхона ва ташкилот ходимларининг меҳнатта оид муносабатларини барқарорлаштиришда қонунчилик талабларини бажариш устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиши, улар учун экологик тоза, хавфсиз иш шартномалари яратиш, меҳнатни муҳофазаси қилиш, соғломлаштириш, маданий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш, иш ўринларини шаҳодатлаш каби устувор вазифалар ўз ифодасини топган.

Томонларнинг фаолиятда ижтимоий шерикчилик тамойилари муҳим аҳамиятға эға. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини хар томонлама ҳимоялашни назарда тутилган жамоа шартномаларида илгари сурилган вазифаларни амалга оширишда иш берувчилар билан ҳамкорлик ижобий самара берапти.

«Ўзбекнефтегаз» Миллий Холдинг компанияси қорхона ва ташкilotларида ойлик маош, қўшимча муқофот ва рағбатлантиришлар йил бўйи хар бир ишловчиға 1 миллион 86 миң сўмни ташкил этиди. Жамоа шартномалари орқали оли-

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК ТАМОЙИЛИ АСОСИДА

надиган йиллик моддий имтиёзлар хар бир ходимға 241,5 миң, ойлик иш ҳақи эса 115 миң сўмдан тўғри келди. Меҳнатни муҳофазаси қилиш мажбуриятларининг бажарилишиға сарфланган маблағ хар бир кишиға 1 миллион 75,7 миң сўмни, хар ойда 49,7 миң сўмни ташкил этади. «Шўртангақимё» мажмуиси қасба уюшма кўмитасининг фуқароларини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги фаолияти мақтовға лойиқ. Масалан, қорхонада меҳнат фаолиятини бошлаган Суннат Имомов ҳаётдан орта кетган эди. Мажмуа раҳбарияти ва қасба уюшма кўмитаси бяхтисиз ҳодисадан азоб чеккан ёш мутахассиснинг оиласидан ҳамма хабардор. Яқинда Қасби туманининг Навкат қишлоғида яшовчи Суннатнинг отаси Даврон бобо Имомов, қайнотаси Очил ота

Хамроев, турмуш ўртоғи Гулшод Хамроевадан мажмуа директори, мамлакат Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси А.Султонов, қасба-бақув раиси Ш.Қурбонов номига миннатдорчилик мактуби келди.

Жамоа Қамаш туманидаги Мирзо Улуғбек номли Меҳрибонлик уйини оталикча олган. Зилзила туғайли талофат қўрган таълим-тарбия маскани нефть-газ қорхонаси ҳомийлиғида таъмирланди. Ичимлик суви танқислиғи муаммоси ҳал этилди. Ёзги таътил даврида ўғил-қизлар Шахрисаб туманидаги «Ло-

Қасба уюшмаси иш услуби

ги бунга яққол мисол бўла олади. Ходимларни шахсий ҳимоя воситалари, сурт ва сурт маҳсулотлари билан таъминлашға 266 миллион сўм маблағ ажратилган. Экилги-энергетика комплекси, киёмё саннати ва геология ходимлари қасба уюшмаси Марказий кенгашининг виллоят вақилиғи сарфуридаги «Ўзгеобурғу-нефтегаз-ишлабчиқариш», «Ўзбекэнерго» дав-

лишиға эға. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастури тадбирларининг бажарилишини таъминлашға жамоа шартномалари ва келишувлари муҳим ўрини тутди. Жорий йилнинг ўтган даврида 700 нафар кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, ногирон, уруш фахрийлари ва байналмилалчи жангчиларға қорхона ҳисобидан 6 миллион, қасба уюшма маблағларидан 3 миллион сўм сарфланганиға амалға оширилган савоб ишларнинг деб-қасидир.

Тизимға қарашли «Лочин» оромгоҳи республикадаги энг намунали болалар дам олиш маскани деб тан олинган. «Ёш алангани», «Беруний», Азиз Қориев, «Нихол», «Нурфотон» каби сўлим гушаларда 6720 нафар ўғил-қизлар хордик чиқаради. Улардан 150 нафари Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари бўлса, 200 дан зиёди Хоразм виллояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган ўғил-қизлардир.

Давр қасба уюшма ташкilotларини олдиға қатта ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, инсон омилиға эътиборни қучайтириш асосий йўналиш экан, бу борда иш берувчилар билан ижтимоий шерикчилик тамойилари асосида фаолият юритилмоқда.

Сафар ХАМРОЕВ, Ўзбекистон Иқтисодий-энергетика комплекси, киёмё саннати ва геология ходимлари қасба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё виллоятидаги вақили

Яхшидан боғ қолади

Кенгаши нима ҳақдайдир қизин бахсласан, қайсида масалада махлаҳат сўраган, мураккаб иш фаолиятиниғизда ёки ҳаёт сўқмоғида қандайдир соҳада сизға кўмак қўрсатган одам бирдан ёнингизда бўлмади қолса-я... Бевафо дунё деб шунга айтсалар қерак-да. Туманларға чиққаннингизда «арслондек аёл эди-я, нима бўлди ўзи», деб Тоҳирахон Маризаевани халиям сўраб қолишди.

МАРИЗАЕВА ЭККАН НИҲОЛЛАР

Ҳафтанинг дастлабки икки куни виллоят қасба уюшмалари кенгашида айниқса, иш қизин бўлади. Режаляштириш йиғилишида фаол иштирок этадиган Тоҳирахон неғадир ўша куни кўринмади. Бу қўччилик учун қутилмаган ҳол эди. Тўшғача дарак бўлма-ғач, ҳавотирлини бошланди. У ишға тумандан қатнардди-да. Ниҳоят кўнгирик қилишди. Машинаси ҳалокатға учради...

Т.Маризаева қасалхонада кўп ётмади. Бир ҳафта давомида, асосан, беҳуш бўлди. Узиға келган маҳалда ҳаётовчи «авария»да айбдор эмаслигини айтди, ҳолос.

Тоҳирахон оламдан ўтган куни у яшаган қўчаға, маҳаллага одам сизмай кетди. Ёшлар, кексалар, Наманган шаҳридан, узок-яқин туманлардан ҳам уни билган ва таниганлар, яхшилиғидан, меҳридан баҳраманд бўлганлар гурро-гуррос келишар, аёлнинг эзгу ишларини, ўзларига нисбатан қўрсатган кўмагини эслашарди.

Тоҳирахон ўқимишли оилада ўсиб воғға етди, отаси муаллим, узок йиллар мактабда ўқитувчилик қилган, онаси Қомилхон ая ўқимишли аёллардан эди. Шунинг учун фарзандларини мўмин-қобил, билимдон қилиб тарбиялашға эришилди.

Тоҳирахон муаллимликни танлади. Болаликдан сергайрат, ташкilotчи ва чечан бўлиб ўсган қиз кўп ўтмасдан ижобий фазилатлари билан тилға тушди. Шу боис уни туман ёшлар кўмитасиға ишға олишди. Бир йилдан сўнг ушбу кўмита саркотибчилиғиға сайланди.

Т.Маризаева ишончини оқлади, ташкilotчилик фазилати янада тақомиллашди, кўччилик ҳурмат-эътиборини қозонди. Энди у Чуст тумани ижроия кўмитаси раисининг ўринбосарлиғиға, кейинроқ эса раислиғиға сайланди.

Халқ депутатлари виллоят ижроия кўмитасининг раис ўринбосари вазифасида фаолият қўрсатган йилларида Тоҳирахоннинг раҳбарлик қобилияти, жиҳдий ва масъулият талаб этадиган масалаларини ҳам ҳал қилишға қодир эканлиғи чиққанлиғи намойиш бўлди. Қосонсой туман ҳокими бўлиб ишлаган кезларида эса халқни ўз ортидан эргаштиришға қодирлиғи амалда ўз исботини топдики, бу эса туманининг чиқмаганиға гул-лаб-яшнашида, қурилишлар кўламининг кенгайганилиғида, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигининг ортишида, янгидан боғлар бунёдға келишида, Қосонсойда саннат тараққиётида, бу борда виллоят марказидан кейин иккинчи ўринни забт этишида ўз ифодасини топди.

Тоҳирахон Маризаева теран ақл-шуури билан таракқиёт, ташкilotчи ва чечан бўлиб ўсган қиз кўп жиҳатдан бундан бунён саннат ишлаб чиқаришини ривожлантиришға боғлиқ эканлигини тушуниб етди ва бу соҳаға эътиборни қучайтирди. Виллоятда биринчилар қаторида қўшма қорхоналар ташкил этиш бошланди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири

Спорт хабарлари

КАСАБА УЮШМА ВАКИЛЛАРИ - ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Хушхабарнинг қаноти бор дейдилар. Айниқса, спорт соҳасида эришилган ютуқларни мухлислар ўзгача нишонлайди.

Куни кеча Макаода ниҳоясига етган енгил атлетика бўйича Осий чемпионати баҳсларида етти нафар ҳамюртимиз муваффақиятли иштирок этди. Қўғамизнинг қирқдан ортиқ мамлакатларидан ташриф буюрган спортчилар қатнашган мусобақаларда 19 ёшгача бўлган ўсмир ва ёшлар қатнашди. Баландликка сакраш беллашуларида умидли спортчи-ми Светлана Радзевил бир метру тўқсон сантиметр натижа кўрсатиб, Осий рекордини янгилади. Узунликка сакраш баҳсларида самарқандлик Александр Котляров иккинчи олтин медални терма жамоамиз ҳисобига қўшиб қўйди.

Яна икки вакиламиз Ирина Зудухина ҳамда Надия Дусановалар 400 метрга югуриш ва баландликка сакраш мусобақаларида бронза медал соҳиби бўлди.

Чемпионатнинг сўнгги кунинда Владимир Андреев ва Евгений Нуждин шогирдлари яна иккита кумуш медални қўлга киритди. Улардан бири 100 метрга югуришда Наталья Асановага тегишли бўлса, кейингиси эса ядро улоқтириш баҳсларида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Оксана Котта наслиб этди.

Умумжамоа ҳисобида олтин медални қўлга киритган вакилларимиз 5-ўринни эгаллади. Ушбу муваффақиятларда касба уюшма спорт мактаби вакилларининг ҳам салмоқли улуши борлиги қувонарлидир.

ҲАФИЗОВНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси кеча Бирлашган Араб Амирликларидан қайтиб келди. Терма жамоамиз аъзолари бу ерда ўтказилган ёшлар ўртасидаги Осий чемпионатида муносиб иштирок этишди.

Замир Гарипов шогирдларидан Эльдор Ҳафизов 50 килограмм вазнда олтин медални қўлга киритди. Яна тўрт нафар умидли ёшларимиз — Шерали Шодмонов (55 кг), Жаҳонгир Мўминов (74 кг), Абдумалик Алиев (96 кг) ҳамда оғир вазли Сухбат Ҳўжаевлар бронза медал соҳиби бўлишди.

ИСТОМИН КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

"Пенза -2006" халқаро теннис турнирида қатнашаётган ёш истеъдодли теннисчимиз Денис Истомин мусобақанинг кейинги bosқичига йўл олди. Жаҳоннинг 20 мамлакатга ракета усталари иштирок этаётган ушбу турнирда вакилимиз украинлик Олег Ермолови мағлубиятга учратди ва кейинги bosқичга йўл олди.

Абдулхай ЮНУСОВ, "Ишонч" муҳбири

«Хоразмгаз» худудий газ таъминот корхонаси вилоятдаги 223 мингдан ортиқ аҳоли хонадонлари ва 4 минг 490 та корхона-ташкилотга узлуksиз таъминий газ етказиб беради. У вилоят бўйича 6 минг 600 километр газ қувурлари ва 5 минг 138 та газ тақсимлаш қурилмаларига сифатли хизмат кўрсатиб, таъминий газ таъминоти узлуksизлигига эришяпти.

Хоразмда қиш бошқа вилоятларга нисбатан анча совуқ келади. Бу эса газчиларга катта муаммо туғдиради. Баъзи худудларга умуман таъминий газ етказиб бериш имкони бўлмади. Яна катта худудда босим пасайиб кетиши натижасида таъминот мураккаблашади. Бундай ҳолатда вазиятни яхшилаш учун юксак билим ва малака талаб этилади.

— Вазирлар Маҳкамасининг халқ хўжалиги тармоқларини 2006-2007-йил кузги даврида барқарор ишлашга таъйинлаш борасидаги қарорини бажариш мақсадида вилоятимизда кенг қамровли ишлар бажарилапти, — дейди «Хоразмгаз» ХТК бош муҳандиси Қодир Оллоёров. — Таъминий газ етказиб бериш мураккаб бўлган худудларда 70,1 километр газ қувурларини мукамал таъмирлаш режалаштирилган. Шу билан бирга 168,5 километр газ қувурлари ва 150 та газ тақсимлаш қурилмалари жорий таъмирдан чиқарилади. Қишнинг сабоғини олган

хоразмлик газчилар таъмирлаш, қуриш ишлари билангина чегараланиб қолаётгани йўқ. Совуқ кунларда ҳаво ҳарорати кескин пасайганда

лоят аҳолисига жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида 654 миллион 673 минг кубометр таъминий газ етказиб бериш режалаштирилган. Ҳақиқатда эса бу кўрсаткич 638 миллион 283 минг кубометрни ташкил этди. Бошқача қилиб айтганда, 5 ой давомида аҳоли бўйича 21 миллион 390 минг кубометр таъминий газ тежаб қолинди. Шундай бўлса-да, йўқотишлар миқдори катталиги кишини ташвишлантиради. Жойларда

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

газ қайта ҳисоблаб берилди ва ундирилди. Хива вилоятининг энг йирик тумани ҳисобланиб, таъминий газни бирдек тақсимлаш бошқа ерлардагидан анча мураккаб ҳисобланади.

— Қишда Сайёд, Гурланбоғ, Чодирабоғ, Каттабош ва бошқа бир қатор қишлоқларда таъминот ёмон бўлди, —

фойдаланиш учун техник шартга амал қилмаган ҳолда таъминий газ тармоғига уланган Корхонага нисбатан 567 минг 246 сўм қайта ҳисоб-китоб қилинди. «Қурбон-Юсуф» фермер хўжалиги ҳам ноқонуний тарзда 538 минг 183 сўмлик таъминий газни ёқиб юборгани аниқланди. Вилоят газ таъминот кор-

корхонаси жорий йилнинг февралда «Автопилот» берган аниқ ҳисоб-китоб бўйича бор-йўри 6 миллион 109 минг кубометр газ сарф этгани оидинлашди. Вилоят газ корхонаси раҳбарининг айтишича, йил охиригача эҳтиёж бўлган барча худудларга шундай газ ҳисоблаш қурилмалари ўрнатилди.

Сухбатимизни «Хоразмгаз» худудий газ таъминот корхонаси директори Баҳром Исмоилов қуйидаги сўзлари билан якунлади: «Халқимизнинг бебаҳо бойлиги бўлмиш таъминий газни тежамкорлик билан ишлатиш, ундан қонуний фойдаланиш ҳаммаунинг бирдек бурчи. Биз ноқонуний, ўғринча усулда таъминий газни бемезёр ишлатаётган истеъмолчиларга қарши бор кучимиз билан курашяёмиз. Лекин ушбу мураккаб ва ўта масъулиятли ишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш билангина қўтирилган натижага эришиш мумкин. Жамоатчилик назорати йўлга қўйилсагина, бу табиат мўъжизасини ҳам тежамимиз, ҳам ҳақини тўлиқ ундирамиз. Тежалган реурс эса эртанги кунимиз учун асқотлади».

Нодиржон ЮСУПОВ

ҚИШ БИЗГА САБОҚ БЎЛДИ

таъминий газ етиб бормайдиган худудлар аниқланиб, истеъмолчиларга тушунтириш ишлари олиб борилапти. Заҳира ёқилга жамғариш юзасидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилинапти. Газ таъминоти ва мураккаб худудлардаги хонадонларни 19 минг 948 тонна кўмир ва 1 минг 282 тонна суюлтирилган газ билан таъминлаш бўйича шарт ва туман ҳокимликлари билан биргаликда дастур ишлаб чиқилди.

Вилоят бўйича барча хонадонларга газ ҳисоблагич ўрнатилгани бу беминнат ёқилгани бир қадар тежаш имкони-ни берапти. Буни рақамларда ҳам кузатишимиз мумкин. Ви-

лоят нозорат ўрнатилган бўлишига қарамай, газ тармоғига ноқонуний уланиб олиш ҳолатлари учраб турибди.

— 18 мингдан ортиқ хонадонга хизмат кўрсатамиз, — дея гап бошлади «Гурлангаз» филиали директори Анвар Юсупов. — Худудимиз жуда катта. Хонадонларни тўлиқ қамраб олишга назоратчиларимиз жисмонан улгурмаяпти. Ҳар ойда тармоққа ноқонуний уланиб олган ўлаб истеъмолчиларни аниқлаймиз. Лекин бу билан биз йўқотилаётган газни тўлиқ жойига қўя олмаймиз.

Янгиариқликлар эса бир ойнинг ўзига 62 та ноқонуний ҳолатни топшиди. Уларга 74 минг 367 кубометр таъминий

дейди филиал директори Мақсуд Берекин. — Ҳозирги кунда шу худудларда ҳам таъминот барқарорлигини таъминлаш мақсадида тумани-мизга газ етказиб берувчи иккита газ тақсимлаш станциясини халқалаш ишлари олиб борилапти. Бунинг натижасида туманининг ҳар бир хонадонига қишнинг қаҳратонида ҳам «занғори олов» пориллаб ёнади.


Мақсуд Берекинга ҳам ноқонуний ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича катта ишлар қилинапти. Келинг, мисолларга мурожаат қилайлик.

«Бекиёс» хусусий фирмаси таъминотчи корхонада рўйхатдан ўтмай, шу билан бирга,

хонаси томонидан туманлар бўйича аниқ ҳисоб-китоб олиб бериш мақсадида Германияда ишлаб чиқарилган «Автопилот» ҳисоблаш ускуналарни ўрнатилди. Бу қурилманинг қулайлиги шундаки, бир газ тақсимлаш станциясидан икки ёки учта туман фойдаланганда, сарф этилган газ тахминий йўл билан бўлимади. «Автопилот» ускунасидан ўтган газ аниқ ҳисоб-китобга асос бўлади. Худди шундай қурилманинг биттаси Урганч ва Янгибозор туманларини оралиғига ўрнатилди. Натижада 2005 йил феврал ойида 11 миллион 687 минг кубометр газ олгани тасдиқланган. Янгибозор тумангаз

Қашқадарё вилояти Косон туман Марказий шифонасининг диагностика бўлими катта ҳамшираси Шоҳсанам Қурбонова эл соғлиғи йўлида фидойилик билан меҳнат қилиб келаётган тиббиёт ходимларидан саналади. Зеро, у кўп йиллик иш фаолияти давомида ўз соҳасининг билимдони, етук ҳамшира сифатида танилди, обрў қозонди.

Суратда: катта ҳамшира Ш.Қурбонова. А.ХУДОЁРОВ олган сурат



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2006-2007-ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликларга ўқувчилар қабул қилади:

- Йўналишлар**
Кундузги бўлим: (9-синф базасида)
1. Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;
 2. Гидромелиоратив ишлардан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш;
 3. Сув хўжалиги ва мелиорация;
 4. Бухгалтерия ҳисоби;
 5. Менежмент;
 6. Молия;
 7. Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси;
 8. Ер тузилиши ва ер кадастри;
 9. Давлат кадастри.
- Ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда: (11-синф базасида)**
1. Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;
 2. Бухгалтерия ҳисоби;
 3. Давлат кадастри;
 4. Молия.
- Ўқишга киришни хоҳловчилар коллежнинг Консултация Марказига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим. (9-синф маълумоти билан 31 июлгача, ўрта маълумот 11-синф 15 августгача қабул қилинади)**
1. Коллеж директори номига ариза.
 2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
 3. 0-86/У шаклидаги тиббий маълумотнома.
 4. 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.
 5. Доимий яшаш жойидан маълумотнома.
 6. Туғилганлик гувоҳномаси ёки паспорт нусхаси (гувоҳноманинг асли ва ҳар-бий билет ёки гувоҳномаси шахсан кўрсатилади).
 7. Ташхис маркази тавсияномаси.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй.
 Тел: 137-09-62, 137-09-61
Мўлжал: Тошкент Ирригация ва Мелиорация институти ёнида.
 Транспорт: 95, 89, 88-автобусларнинг «Гидрометцентр», метронинг «Ҳамид Олимжон» бекати.

Мирзо Улуғбек Транспорт касб-ҳунар коллежи
 2006-2007-ўқув йилида қуйидаги йўналишлар бўйича **ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:**

- 1. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш. код: 3521202**
Касблар:
1. Автомобилларга ТХК ва таъмирлаш чилангари;
 2. Автомобилларга ТХК ва таъмирлаш техниги;
 3. «ВС» тоифали ҳайдовчи.
- 2. Бухгалтер-аудитор. код 3340901**
Касблар:
1. Бухгалтер-аудитор;
 2. Бухгалтер-иктисодчи;
 3. Бухгалтер — банк ҳисобчиси.
 4. Касса операциялари бўйича мутахассис;
 5. Офис ҳижозлари бўйича мутахассис.
- Абитуриентлар ўқишга суҳбат асосида қабул қилинадилар. Ўқиш муддати — 3 йил.
 Коллеж ўқувчиларига енгил ва юк автомобили ҳайдовчилиги гувоҳномаси берилди.



Бизнинг манзилимиз:
 Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Т.Содиқов кўчаси 6-уй.
 Тел: 68-68-74, 68-67-09. 3-трамвай ва 4-троллейбусларнинг охириги бекати, 88-автобуснинг «Оққўрғон» бекати

«ЎКТАМБАНК»

ХУСУСИЙ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК — ТИЖОРАТ БАНКИ
Муҳим фактлар тўғрисида хабарнома

Банк — «Ўктамбанк» хусусий очик акциядорлик-тижорат банки

Манзил — 700018, Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Соҳибкор кўчаси, 4-уй
Хабарноманинг тартиб рақами-09

1. **Муҳим факт номи** — акциядорлар умумий йиғилишининг қарори.
2. **Умумий йиғилиш тури** — навбатдан ташқари умумий йиғилиш.
3. **Умумий йиғилишни ўтказиш шакли** — шахсан.
4. **Умумий йиғилишни ўтказиш санаси** — 2006 йил 6 июл.
5. **Умумий йиғилиш баённомасини расмийлаштириш санаси** — 2006 йил 7 июл.
6. **Умумий йиғилиш ўтказиш жойи** — Қарши шаҳри, Соҳибкор кўчаси, 4-уй.
7. **Умумий йиғилиш қворуми** — 71,00%.
8. **Умумий йиғилиш кун тартибига ва овозга қўйилган масалалар ҳамда улар бўйича овоз бериш натижалари:**
 1. Кўшимча чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар ҳисобига банкнинг Устав капиталини ошириш.
Қабул қилинган қарор:
барча жойлаштирилган акциялар ҳисобига банкнинг Устав капитални 2002,0 миллион сўм миқдоридан белгилансин.
Овоз бериш:
Розилар — 1 421 420 овоз. Қаршилар — йўқ. Бетарафлар — йўқ.
 2. Банк Устав капиталини ошириш мақсадида эълон қилинган акциялар миқдорини белгилаш.
Қабул қилинган қарор:
эълон қилинган акциялар миқдори 1.200.000.000 (Бир миллиард икки юз миллион) сўмлик номинал қиймати 1000 (Бир минг) сўм бўлган, 1.200.000 (Бир миллион икки юз минг) дона эгаси ёзилган оддий акциялардан иборат деб белгилансин.
Овоз бериш:
Розилар — 1 421 420 овоз. Қаршилар — йўқ. Бетарафлар — йўқ.
 3. Тақдим этувчига банк акцияларини эгаси ёзилган оддий акцияларга ўзгартириш.
Қабул қилинган қарор:
жойлаштирилган 30 000 дона номинал қиймати 1000 сўм бўлган тақдим этувчига оддий банк акцияларига 30 000 дона номинал қиймати 1000 сўм бўлган эгаси ёзилган оддий акцияларига ўзгар-

тирилсин ва қонунчиликда белгиланган тартибда акциядорларга акциялар алмаштирилсин.

- Овоз бериш:**
Розилар — 1 421 420 овоз. Қаршилар — йўқ. Бетарафлар — йўқ
4. Банк акцияларини нақд шаклдан нақдсиз шаклга ўзгартириш.
Қабул қилинган қарор:
банкнинг барча акциялари чиқарилиш тури нақдсиз шакли деб белгилансин ва жойлаштирилган нақд шаклдаги акциялар қонунчиликда белгиланган тартибда нақдсиз шаклдаги акцияларига алмаштирилсин.
Овоз бериш:
Розилар — 1 421 420 овоз. Қаршилар — йўқ. Бетарафлар — йўқ.
 5. Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
Қабул қилинган қарор:
банк уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар тасдиқлансин.
Овоз бериш:
Розилар — 1 421 420 овоз. Қаршилар — йўқ. Бетарафлар — йўқ.
 6. Банк Кенгашига қўшимча аъзоларни сайлаш.
Қабул қилинган қарор:
 6.1. Банк Кенгаши таркибига қуйидагилар сайлансин: — Обидов Қозимжон Қодирович; — Қодиров Владимир Юсупович.
Овоз бериш:
Розилар — 1 421 420 овоз. Қаршилар — йўқ. Бетарафлар — йўқ.
- Хабарноманинг тартиб рақами — 10**
1. **Муҳим факт номи** — мансабдор шахсларнинг шахсий таркибидagi ўзгаришлар.
 2. **Ўзгаришлар содир бўлган орган номи** — банк Кенгаши.
 3. **Банк органларига сайланган шахслар.**
3.1. Банк Кенгаши
- | № | Фамилияси, исми, отасининг исми | Кенгаш аъзосининг банк Устав капиталдаги улуш |
|----|---------------------------------|---|
| 1. | Обидов Қозимжон Қодирович | 0,0000 |
| 2. | Қодиров Владимир Юсупович | 0,0000 |
4. **Ўзгартиришлар санаси** — 2006 йил 6 июл.
 5. **Ўзгартиришлар тўғрисида қарор қабул қилган орган** — «Ўктамбанк» ХОАТ банкнинг акциядорлар умумий йиғилиши.
 6. **Қарор қабул қилинган сана** — 2006 йил 6 июл

Ёзги соғломлаштириш

Жиззах вилоятида мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олишини ташкил этиши ва ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, шаҳардан ташқаридаги мавжуд 17 та оромгоҳ фаолиятдан қўчилик мамнун. Уларда 2880 нафар бола хордик чикариши режалаштирилган бўлиб, ҳозиргача 1600 ўқувчи дам олиб қайтди.

менда катта таассурот қолдириди. — дейди Жиззах шаҳридаги 6-мактаб ўқувчиси Иброҳим Норкулов. — Мен ҳам бу тадбирда бевосита иштирокчи бўлиб қатнашдим. Турли миллатлар тили, урф-одати, турмуш тарзидан ях-

лова, М.Носирова, Ҳ.Таштемиров сингари ўқувчилар «гуруҳ раҳбарлари» вазифасида фаолият кўрсатишди. Оромгоҳ шифокори Мавжуда Мирзаеванинг таъкидлашича, бу тадбир кунни бошқарувчи болажонлар тозалик ва озодалликка алоҳида аҳамият беришган. Тартиб-интизом ҳам жойида.

Тадбирда фаол иштирок этган 30 нафар бола оромгоҳ маъмурияти, касабаси уюшма ва «Камалак» болалар ташкилотининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

Турли мавзуларда ўтказилаётган суҳбатлар ҳам болажонларда қизиқиш уйғотмоқда. Мавзулар ҳам ранго-ранг. «Тил — дил кўзгуси», «Ўзбекистон — жаннатмакон дийёр», «Истиклолим — истиқболим»...

Расм чизиш, музика санъати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш, спорт, компьютер секциялари фаолияти таҳсинга лойиқ.

IV гуруҳ аъзоси Орифжоннинг компьютерда чизган «Табиат ва инсон», Зебунисонинг «Хўроз ва болакай», Ферузанинг «Гийёҳ-вандлик — иллат» суратлари оромгоҳ кўрғазмасидан жой олиб, муносиб баҳоланди.

«Маънавият ва маърифат» хонаси, компьютер хонаси болажонлар билан доимо гавжум.


— Зериқишга вақт йўқ, — дейди 4-синф ўқувчиси Шохруҳ Йўлдошев. — «Балли, йигитлар!» баҳсида отрядимиз биринчи ўринни эгаллади. Бунга мен ҳам хиссамни қўшдим. Узини Аҳмад Жумаев деб танитирган ота-оналар вакили ҳаяжонини шундай ифода-лайди:

— Фарзандларимиз ростдан ҳам жуда бахтли. Биз ёшликда бундай оромгоҳларни орзу қилганимиз, ҳолос. Икки фарзандим — Нозима, Абдуҳамид бу ерда дам олишарди. Шароитдан хурсандимиз. Йўлланма нархи ҳам қиммат эмас.

Институт билан катта уюшма қўмитаси раиси Файрат Қодиров болажонлар аҳолидан доим хабардор. Унинг таъкидлашича, мавсумда кам таъминланган оилаларининг 30 нафар фарзанди бепул йўлланма билан таъминланган.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» муҳбири

ОРОМИЖОН ОРОМГОҲ




Салобатли, пурвиқор Марғузар тоғи бағридаги сўлим гўша — Уобсой кишлоғида жойлашган Бобур номли болалар оромгоҳи бугун болажонлар билан гавжум.

А.Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институтини тасарруфидagi ушбу маскан 100 ўринли бўлиб, икки босқичда ишлаши режалаштирилган. Институт раҳбарияти ва касабаси уюшма ташкилоти ҳамкорлиги натижаси ўлароқ барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Ким билан учрашмайлик, бу ерда кечаётган ҳар бир лаҳзасидан мамнунилиги сезилиб туради. Бош тарбиячи Ҳадича Сиддиқова болалар билан олиб борилган тарбиявий ишларни ташкил этиши ва мазмунини белгилашда педагоглар ва болалар жамоасининг яқин ёрдამчисига айланган. У оромгоҳ шарт-шароитини, аънаналари, ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тадбирлар режа-

сини тузиб, шу асосда фаолият олиб бормоқда. Бундай тадбирлар сирасига «Яшил аптека», «Офицерлик — шаърафли касб», «Рақс маликалари ва рақс шахзодалари» каби ларни киритиш мумкин. — «Дўстлик» фестивали

широқ хабардор бўлдим. Яқинда ўтказилган «Оромгоҳда ўз-ўзини бошқариш кўни» тадбири кўпчиликка манзур бўлди. Шу кўни 9-синф ўқувчиси Сора Норкулова «бош тарбиячи»лик қилган бўлса, Д.Алимов, Ю.Очи-



ФЕСТИВАЛГА ЙЎЛЛАНМА

Ёзининг иссиқ кунларида сўлим табиат қўнидаги оромгоҳлар болалар учун севимли гўшага айланади. Дам олиш масканларида болаларнинг мароқли хордик чикаришига эришишда маданият-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари катта аҳамиятга эга. «Алгоритм» соғломлаштириш оромгоҳида бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда бу ерда 1992-1993 йилда туғилган қизлар ўртасида аънаванавий волейбол турнири бўлиб ўтди. Унда мазкур оромгоҳнинг «Алгоритм» жамоаси, Наманган, Хоразм вилоятларидан келган дам олувчи болалар, ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар 6-спорт мактаби вакиллари иштирок этди. Мусобақа кескин баҳс ва ҳаяжонли дақиқаларга бой тарзда кечди. Бахслар якунига кўра, «Алгоритм» жамоаси ғолиб чиқди. Наманганлик ва

бўлажак олимпиячи қизларга эса кейинги ўринлар насиб этди. «Алгоритм» жамоаси вакиласи Лола Арслонбекова турнирнинг энг яхши ўйинчиси деб топилди. Мусобақалар давомида қатнашқан спорт орқали саломатликларини мустаҳкамлашиб, янги дўстлар орттиришди.

— «Алгоритм» жамоаси қизлари мамлакатимиз волейбол терма жамоасига муносиб номзодлар сифатида камол топмоқдалар, — деди Ўзбекистон Миллий олимпиада қўмитаси вице-прези-

денти, республика олимпиада чемпионолари ассоциацияси президенти Вера Дуонова. — Наманган, Хоразм вилоятлари волейболчи қизларининг буй-бастаи унчалик баланд бўлмаса-да, рақибларига қарши маҳорат билан ўйнай билиши мени гоат қувонтирди. Бу мусобақалар республика бўйича волейболни оммалаштириш, мамлакат спорт шарафини халқроқ майдонларда муносиб ҳимоя қила оладиган моҳир спортчиларни тайёрлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга хизмат қилади. Улар жорий йилда республика лигасида ғолиб бўлиб, Москвада бўлиб ўтаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатларининг спорт фестивалида иштирок этишад.

Улуғбек ПЎЛАТОВ

Ўшанда Рўзимат хали ёш бола эди. Акаси рубоб олиб келди-ю, унинг тинчи йўқолди. Болалик шўхлиқларини ҳам ана шу соз ўғирлаб қўйди. Бу қизиқиш сабаб мактабдаги музика тўғарагига қатнашга бошлади. Ашўла айтишга ҳам иштиёқ баланд эди. Ўзича, «Ўлғайсам, қўшиқчи бўламан», дерди... «Мафтунингман» фильмининг экранда кўргандан кейин эса унда актёрликка ҳам ҳавас ўйонди. Айрим сабабларга кўра қўшиқчи бўла олмади-ю, аммо театрда яқинлашиб қолди.



Чизги

ЮРАКДАГИ ҚЎШИҚ

Унинг биринчи устози Раззоқ Ҳамроев эди. Илк ўйнаган роли кечагидай ёдида. Мактабни битириб, ўқишга киролмагач, хозирги Бобур номидаги Андижон музикали драма театрига сахна ишчиси бўлиб кирди. У биринчи бор сахнада «Нодирабегим» (1975) спектаклида Сарбоз ролининг ижро этди. Бу қичкина роль бўлса-да, қанчалик аҳамиятли эканлигини кейинчалик тушуниб етди. Уч йил санъат олийгоҳи остонасидан қайтса-да, охиригача курашди. Ниҳоят, тайёрлов курсидан сўнг талаба бўлди...

Ижодкорга табиатан дардли юрак берилган, бу ҳам бўлса, ижод қилиш дарди. Рўзимат Маққамов бунга яхши тушунарди. Олийгоҳда Р.Ҳамроев, А.Азимов, З.Олимжоновлардан олган сабақлари бесамав кетмади. Бахтга қарши, талабалик даврида соғлиғи ёмонлашиб, ўзини қўйиб қўйди. Устоз Раззоқ Ҳамроев оғир давларда унга далда бўлди.

Узоқ йиллар меҳнат қилган Ёш томошабинлар театри унинг учун азиз масканга айланган. Негаки, бу даргоҳда болалигига қайтгандай ҳис қилади ўзини. Театрда иш-

лаш қийин, айниқса ёш томошабинларнинг кўнглига йўл топа билиш осонмас. Кўча-кўйда, уйда болаларни «алдаш» осонроқдир, лекин сахнага чиқиб, уларнинг кўзига қараб туриб алдаш мушкул.

Бир кун Рўзимат ака сахнада берилиб, оч чия-бурни ролининг ижро этаётганда, боғча боласи сахнага печенье кўтариб чиканини ҳеч унутолмайди. Жонли ижро таъсириданми, «йиртқич, қўрқинчли хайвон» қиёфасида бўлишга қарамай, ёш бола-кайнинг унга ачингани кўп нарсани аңлатар эди...

Санъат арбоби Олимжон Салимов унинг ҳаётини ўзгартириб юборди. «Боз масхарабоз» спектаклидаги Масхарабоз ролининг ўйнаган кунни актёр учун бағрайм бўлди. «Абдуниинг найранглари»даги Давлат почта роли ҳам томошабинларга маъқул бўлди.

Ёш томошабинлар театрида яхши аънава бор. — Актёрнинг ўзига ёққан ро-

лини ўйнашга имконият яратиб берилган. У театрда асосан комик роллари ижро этган бўлса-да, ўзига кўпроқ драматик роллари ёқди. Бир пайтлар Шароф Бошбековнинг «Эски шахар гаврошлари»да Ҳасан ролининг ўйнаганиди. «Ана шунча драма-тик роллар бўлса, унда ўйнаб дардингни айтсанг» деб орзу қилади актёр.

Тоҳир Малиқнинг «Заҳарли томчилар» асарини асосидаги спектакл ҳаргал қўйилганда, ўзи ҳам ёш томошабинлар қаторида залда ўтириб кўрарди. Ёшларга ўрناк бўла оладиган қатор образлардан ҳам актёр, ҳам томошабин сифатида таъсирланади.

... Ёз ойларида боғчаларда томоша кўя бошлашди. «Зумраша» асарини у бир йўла — Чол, Бўри, Айиқ роллари ижро этаётган бўлди. Ховлига чиқиб йўли пастрок экан. Айиқ образининг вақти келиб қолгани учун шошилиб хонадан отилиб

«Абдуниинг найранглари»да Давлат почта, «Дала сайли»да Сеньор Телан, «Адвокатлик осонми?»да Чол, «Яраш-яраш»да Уктам, «Икки мўжиза»да Бригелла, «Учар табиб»да Қувёв, «Турна патлиб»да Садо, «Шум бола»да Қори ака, «Сехрили дур»да Деҳқон, «Зумраша»да Чол сингари хилма-хил образларни яратган камтарин актёр янги ижодий парвозлар йўлида тинимсиз ишланмоқда. Зеро, унинг бахти ҳам шунда.

Дилфуза ЖУМАЕВА, ЎЗМУ талабаси

Газетхон илҳоми

БОҒБОН

Қибрай даҳасида боғбонлар сероб, Миртоҳир отамиз ягона эсли. Камтарлик мужассам ва ҳамда одоб... Одамоҳунлиқдан тарқалган насли.

Сўрилар кўрқидир турли узумлар, Анжирлар ер узра нисли гиламдай. Анорлар шохларда мисоли фанар, Олхўри, шафтоли товланар шамдай.

Бир товоқ анжирини уоб қўлида, Бизга келтирдилар мунис онахон. Миртоҳир отахон чойим қўлида, Қўлга сув қўймоқчи, ёшлардек қаққон.

Меҳмонни сийлашни ўрганиш керак, Шундайин меҳнатқаш — боғбон отадан. Тилда лутф, зарофат, кенглиқдай — юрак, Ва неки қолгани Одам Атодан...

Ўзини қадрига етган ҳар инсон, Ўзганинг қадрига албат отадан. Оталари бўлган миришкор боғбон, Шу боис отадек меҳмон кутади.

Суннатилла АКРОМХУҲА ўғли

Қилмиш — қидирмиш

Анвар оила тебратилар, қора қозонини қайнатиш учун «Гулзор» бозорида аравақашлик қила бошлади. Тадбиркорлар юқини ташиб, кўн кечирарди. Бир неча кун шу зайл ишлаб юрди. Кўнли эгрининг қўли эгри, деганидек омордаги махсулотларни кўриб, ҳабли бузилди.

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ ...

У муқаддам судланган. Жазони ўтаб келиб, яна жиноятга қўл урди. Нега?

Ниҳоят миқозларидан бири Марямга тегишли матоларга кўз олайтирди. Чунки унинг буюми қанча ва қарерда сақланишини яхши биларди. Шунинг учун юк сақлаш жойига кириб-чиқиб йўлларини пухта ўрганиб, ўзича режа тузиб қўйди. Ва кўнларнинг бирини бозорга келиб, Марямнинг матоларини аравага қўйиб, қолганини «Гулзор» бозорида савдо билан шуғулланувчи Марямга олиб боради. Буюмларини таниган аёл эса суриштира кетади...

Бир Анвар учун қимматга тушибди. Суриштирув ҳамда гувоҳлар кўрсатмасига кўра айби фош бўлиб, Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан 5 йил муддатга озодаллик маҳрум этилди. Бундан ташқари, у ўзи ҳисобидан даввогар Марямга 500 минг сўм миқдорда жарима ҳам тўлайдиган бўлди.

Р.МУҲСИНОВ, Жиноят ишлари бўйича Денов туман судининг судьяси

Тошкент шаҳар енгил, мебел санвати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши ва бошланғич касабаси уюшма қўмиталари кенгаш хайъати аъзоси «Ўзгазлойиҳа» МЧЖ раҳбари Қодиржон Қосимовга ўқиси

БЕВАҚТ ВАФОТ ЭТГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧУҚУР ТАЗЪИЯ ИХЗОР ЭТАДИ.

Ўзбекистон енгил, мебел санвати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши Қашқадарё вилояти вакилигининг ташкилий ишлар бўйича етакчи мутахассиси Дамира Мираҳмедовага отаси

ЮРА МИРАХМЕДОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур тазъия иҳзор этади.

Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Навбатчи муҳаррир - А.Алламуродов Навбатчи муҳаррир - Ш.Норкулова Муховид - Н.Юлдошев Навбатчи - Р.Сайдахмедова

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 19.50.

Ishonch МУАССИС: Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотувда эркин нархда. Тиражи: 7540

Бизга кўнгирак қилинг: Котибият 153-52-78; Хатлар бўлими 153-85-43; Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади. «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.